



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги



**Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик,
эртага қандай юксак марраларни
эгаллашимиз керак?**

Умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган
“Мустақиллик дарслари”да фойдаланиш учун тавсия

Тошкент – 2016



Гўзал ва
бетакроримсан, муқаддас
Ватаним,
жоним сенга
фидо, Ўзбекистоним!



Тарихга назар

25 йил
олдин

мустақиллигимизни қўлга киритдик, энг аввало миллий давлатчилигимиз тикланди

жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалладик

ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечилди

чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда **“ўзбек модели”** деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегияси амалга оширилди

биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида республикамизда юзага келган оғир ижтимоий-иқтисодий вазият

- ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича собиқ иттифоқнинг 15 та республикалари ичида **12-ўринда**;
- аҳоли жон бошига миллий даромад собиқ иттифоқнинг ўртача кўрсаткичидан **2 баробар кам** бўлган;
- аҳолининг халқ истеъмоли моллари билан таъминланиши бор-йўғи **40 фоизни** ташкил этган;
- аҳоли даромад даражаси ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмом қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида **охирги ўринлардан бирида** турган.



Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик!

1990 йилга қадар

1980 йилларда республикамызда 107 та пахта тозалаш заводи, 409 та куришиш-тозалаш цехларига эга бўлган пахта пунктлари ишларди.

Республикамызнинг тўқимачилик саноати эса етиштирилган пахта толасининг атиги 10%ни қабул қилиш ва тайёр маҳсулотга айлантириш имкониятига эга эди.



Бугунги кунда

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, пахта яккаҳокимлигига чек қўйилди ва фермерлик ҳаракати ривожига учун кенг йўл очиб берилди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92%ни етиштирмоқда ва қишлоқ таракқиётида етакчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланган.



Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик!

1990 йилга қадар

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи деярли қондирилмасди.

Уй-жой тақсимлаш тартиби кўпол тарзда бузилган, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари йиллар мобайнида ҳал бўлмай қолаверган.



Бугунги кунда

2009-2016 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 69,3 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жойлар қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Ушбу мақсадлар учун қарийб 642,2 млрд. сўм қийматидаги маблағ йўналтирилди.



Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик!

1990 йилга қадар

Чақалоқларнинг кўпчилиги мажруҳ бўлиб туғилган бўлсада, бу ҳақда айтилмасди ҳам, ёзилмасди ҳам.

Биргина *пестицид* туфайли жигар касаллиги, болалар касаллиги, аёлларнинг камқонлик касаллигига дучор бўлиши кўпайиб кетган эди. Тиббиёт соҳасида битта шприц билан ўнлаб инсонларга хизмат кўрсатиларди.



Бугунги кунда

Истиқлол йилларида оналар ўлими 3,1 баробар, болалар ўлими 3,2 баробар камайди. Халқаро нуфузли ташкилот - "Save the Children" ("Болаларни асрайлик") томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига кирди.



Эришилаётган ютуқлар ва келгуси режалар

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб **6 баробар** ўсди, аҳоли жон бошига реал даромадлари **12 баробар** ошди, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга **190 млрд.** доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, **65 млрд.** доллардан ортиқ хорижий сармоялар жалб этилди.


Иқтисодиётда саноатнинг улуши **34 фоизни**, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши **70 фоиздан зиёдни** ташкил этмоқда.

2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини **икки баробардан зиёд** кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини **40 фоизга** етказиш бўйича аниқ чоралар белгилаб олинган.



(Видеоресурсга
ўтиш учун белгини
босинг. 01:59)

Ўзбекистон аҳолисининг сони ва ўсиш динамикаси



Республикамизда ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга,
жумладан аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етди.



Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони
2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади.



Дунё эътирофи

- Франциянинг «Insead» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан эълон қилинган «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси» номли таҳлилий маърузада таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича дунёдаги 141 та мамлакат рейтингда 75,70 балл билан Ирландия 1-ўрндан жой олган бўлса, 75,38 балл билан **Ўзбекистон 2-ўринни** эгаллади.
- 2015 йилда янгиланган инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган қирққа яқин мезонларга асосланган “World Happiness Index”- (“Жаҳон бахтиёрлик индекси”) рейтингда Ўзбекистон 158 та мамлакат орасида **44-поғонада**, МДХ давлатлари ўртасида эса **1-ўринда** қайд этилди. Бундан ташқари бизнинг мамлакатимиз “бахт индекси” ҳар йилги ўсиш кўрсаткичида биринчи ўнталик давлатлари қаторидан ўрин олди.
- 2015 йилда АҚШнинг Геллап институти томонидан 141 та мамлакатда «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» мавзусида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра **Ўзбекистон 2-ўринни** эгаллаган (1-ўринда Сингапур).





УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Умумтаълим мактаблари сони

– 9692 та

Улардаги ўқувчилар сони

– 4,6 млн. нафар



Академик лицей ва касб-хунар коллежлари сони

**– 1555 та
(144 таси АЛ)**

Улардаги ўқувчилар сони

**– 1,49 млн. нафар
(103 минг нафари АЛ ўқувчилари)**



Олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари сони

**– 72 та
(14 таси филиал)**

Улардаги талабалар сони

– 270 мингдан ортиқ

Баркамол авлодни вояга етказиш – пировард мақсад

Таълим – Ўзбекистон
Республикаси ижтимоий
тараққиёти соҳасида устувор
деб эълон қилинган.

Ўзбекистонда ҳар йили
таълим учун сарфланаётган
харажат ялпи ички
маҳсулотнинг **10-12** фоизини
ташқил этади.


Дунёнинг энг илғор
мамлакатларида бу кўрсаткич
3-5 фоиздан ошмайди.



Халқ таълими тизимига ажратилган давлат харажатлари

(минг сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	1991 йил	2001 йил	2016 йил
1	Мактаб таълими учун	20 276,4	116 775,9	7 493 061,0
2	Мактабгача таълим учун	5 053,7	35 645,9	1 662 545,0
3	Мактабдан ташқари таълим ва малака ошириш тизими учун	2 819,6	16 238,9	637 707,0
ЖАМИ		28 149,7	168 660,7	9 793 313,0



Умумий ўрта таълим тизими

1990 йилга қадар

8214 та мактаб мавжуд бўлиб:

4689 таси (57%) лойиҳалаштирилган биноларда;

3525 таси (43%) мослаштирилган биноларда жойлашган эди.

Мослаштирилган бинолардан 1167 таси, яъни 33 фоизи 1940-1960 йилларда ҳашар йўли билан, пахса ва хом ғиштдан қурилган биноларда фаолият олиб борар эди.



Бугунги кунда

1991-2003 йилларда **1 млн. 893 минг** ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

2004-2009 йилларда Давлат дастури доирасида жами **8501 та** мактабларда;

2010-2016 йилларда Инвестиция дастурлари доирасида **2255 та** мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ушбу ишларни амалга ошириш учун жами **2,9 трлн.** сўм маблағ сарфланди.



Чет тилларини ўрганиш

Президентимиз томонидан 2012 йилда қабул қилинган махсус қарор асосида 2013 йил 2 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактабларининг 1-синфларида чет тилларини ўқитиш йўлга қўйилди. Босқичма-босқич равишда 2016 йилда 4-синфларда чет тилларини ўқитиш жорий этилиши муносабати билан барча синфларда чет тилларини ўргатишнинг узлуксиз тизими амалиётга киритилди.

Бугунги кунда 1-синф ўқувчилари чет тилидан **150** та сўзни, 2-, 3- ва 4-синф ўқувчилари чет тилида ўқиш, ёзиш ва содда мулоқот тузиш кўникмаларини (**500** та сўз) эгаллашди.



(Видеоресурсга ўтиш учун белгини босинг. 02:42)

Умумтаълим мактабларининг дарсликлар билан таъминланиш кўрсаткичи

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
			1991	2001	2016
1.	Дарсликлар билан таъминланиши	%	55,4%	76%	100 %
2.	Дарсликлар номи	дона	84	241	525
3.	Дарсликлар миқдори	нусаха	666 741	2 955 720	26 100 077

Дарсликларни 7 тилда чоп этиш йўлга қўйилган.



Мақтабдан ташқари таълим тизими

283 та Болалар муסיқа ва санъат мактабларида 60650 нафар ўқувчи муסיқа ва санъат сирларини ўрганмоқда



Мақтабдан
ташқари
таълим

225 та Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида 291311 нафар ўқувчи спорт билан шуғулланмоқда

211 та “Баркамол авлод” болалар марказлари тўгаракларида 108994 нафар ўқувчи қатнашмоқда



Болалар музика ва санъат мактаблари

Ҳашар йўли билан паҳса ва хом ғишдан қурилган биноларда жойлашган 142 та ёки 47 фоиз болалар музика ва санъат мактаблари бугунги кунда замонавий биноларга эга бўлди. Улар 137,0 млрд сўмлик мебель, музика чолғу асбоблари ва махсус ускуналар билан жиҳозланди.

Дастур доирасида болалар музика ва санъат мактаблари 48 номдаги 19 741 нусха ўқув қўлланмалар, 39 603 та ноталар тўплами, жаҳон ва миллий композиторларнинг асарлари қайд этилган 1112 та СД дисклар, 556 та кўргазмали материаллар билан таъминланди.

Яратилган шарт-шароитлар натижасида болалар музика ва санъат мактабларига ўқувчилар қамрови 2016 йилда 60 минг нафардан ошишига эришилди.

Болалар музика ва санъат мактаблари



(Видеороликка
ўтиш учун белгини
босинг. 01:40)



(Видеоресурсга
ўтиш учун белгини
босинг. 01:34)

Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари

1991 йилда республикада халқ таълими тизимидаги барча спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларининг сони бармоқ билан санокли бўлса, мустақиллик йилларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан **2479** та иншоотларда қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш учун жами **1,58** трлн. сўм маблағ сарфланди.

Уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш тажрибаси дунёдаги кўплаб ривожланган давлатларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда. Натижада спорт билан шуғулланувчи болалар улуши 2003 йилдаги **20,4** фоиздан 2016 йилда **57,2** фоизга ошди, қизлар улуши эса мос равишда **16,4** фоиздан **47** фоизга етди.



Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари



(Видеоресурсга
ўтиш учун белгини
босинг. 01:24)

Мустақиллик йилларида болалар спортининг сифат кўрсаткичлари

Т/р	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
			1991	2001	2016
1	Болалар спорт иншоотлари	дона	0	0	2 178
2	Мактаб спорт заллари	дона	4 128	4 363	6 975
3	Спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони	нафар	448 833	621 747	2 663 447
		фоиз	7,4%	11,5%	57,2%



“Баркамол авлод” болалар марказлари

Мустақиллик давригача “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолияти маълум бир йўналиш асосида ташкил этилиб, уларнинг моддий-техник ҳолати таъмирталаб ва ачинарли ҳолатда бўлган бўлса, замон талабларига жавоб берадиган йўналишларга асосланган ҳолда фаолият кўрсатиб, буткул замонавий қиёфага эга бўлди, яъни барча марказлар мукамал таъмирланди ва жиҳозланди. Ушбу ишларга **113,1 млрд. сўм** маблағ ажратилди.



Республикамизда ташкил этилган **211 та** “Баркамол авлод” болалар марказларидаги **5** мингдан ортиқ техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларидаги тўғаракларда **114 минг нафарга** яқин ёшларга қизиқишлари бўйича бошланғич касб-ҳунар сирлари ўргатилмоқда.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида ташкил этилган **150** мингдан ортиқ фан тўғаракларига **2,8 млн. нафар** ўқувчилар жалб қилинган.

“Баркамол авлод” болалар марказлари



Истеъдодлар юрти

1995 йилгача республикаимиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқаро фан олимпиадасида иштирок этмаган бўлса, мустақиллик йилларида республикаимиз мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида жами 253 та медаль, жумладан – 20 та олтин, 58 та кумуш, 175 та бронза медалини қўлга киритди.

Мисол учун, 2015 йилда Хитойда бўлиб ўтган математика бўйича халқаро мусобақада юртимиз жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Жаҳоннинг 29 та давлатидан 600 нафардан ортиқ иқтидорли ўқувчилар орасида 2 нафар ўқувчимиз кумуш медалга ва умумжамоа ҳисобида эса иккинчи ўринга сазовор бўлишди.



Истиқлолда эъзоз топган касб

Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.

И.Каримов




Истиқлолда эъзоз топган касб

Мустақиллик йилларида Ҳукумат томонидан устоз ва мураббийларнинг фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда.

Таълим соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси учун жами **4026 нафар** устоз ва мураббийлар турли давлат мукофотлари билан тақдирланди.



Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!



1-модда. Ўзбекистон – суверен демократик республика.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

АЙТГИЛ, ДЎСТИМ

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

... ..

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

(Иқбол Мирзо)



(Тинглаш учун
белгини босинг
01:15)



Эътиборингиз учун раҳмат!

АЙТГИЛ, ДЎСТИМ

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?
Ахир, Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

(Иқбол Мирзо)